

4-1-2020

METHODS OF ORGANIZATION OF MANAGEMENT ACCOUNTING IN TELECOMMUNICATION SERVICE SECTOR

E. Shodiyev

Tashkent State university of Economics

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Shodiyev, E. (2020) "METHODS OF ORGANIZATION OF MANAGEMENT ACCOUNTING IN TELECOMMUNICATION SERVICE SECTOR," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 28.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss2/28>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИ СУБЪЕКТЛАРИДА БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

Мақолада телекоммуникация хизматлари соҳасида субъектларида бошқарув ҳисобини ташкил қилиш усуллари ўрганилган. Жумладан, телекоммуникация хизматлари соҳасида субъектларида бошқарув ҳисобини В-to-В тамойили асосида ташкил этилиши, АВС усулини қўллашнинг афзалликлари, хизматлар соҳаси субъектларида бошқарув ҳисоби соҳасидаги инновацион йўналишлардан бири QRM тизимини кенг татбиқ этиш масалалари тадқиқ этилган.

Таянч сўз ва иборалар: Телекоммуникация хизматлари кўрсатувчи муассасаларда бошқарув ҳисоби, В-to-В тамойили, АВС усули, QRM тизими, самарадорлик.

МЕТОДЫ ОРГАНИЗАЦИИ УПРАВЛЕНЧЕСКОГО УЧЕТА В СУБЪЕКТАХ В СФЕРЕ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЙ

В статье изучена методы организации управленческого учета на предприятиях оказывающих телекоммуникационных услуг. В том числе изучена вопросы организации управленческого учета в сфере услуг на основе принципа В-to-В, преимущества применение метода АВС, применение системы QRM как инновационного метода организации управленческого учета в сфере услуг.

Ключевые слова: Управленческий учет в сфере услуг, принцип В-to-В, метод АВС, система QRM, эффективность.

METHODS OF ORGANIZATION OF MANAGEMENT ACCOUNTING IN TELECOMMUNICATION SERVICE SECTOR

In article it is studied methods of the organization of management accounting in a services sector. Including it is studied questions of the organization of management accounting in a services sector on the basis of the principle of В-to-В, advantage application of a method of АВС, use of the QRM system as innovative method of the organization of management accounting in a services sector.

Key words: Managerial accounting in service sector, principle В-to-В, method АВС, QRM system.

Кириш

Рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш шароитида ҳар қандай мамлакат иқтисодиётини соҳалар бўйича диверсификацияланишини олиб қарайдиган бўлсак, бунда хизматлар соҳасининг улушини тобора ошиб боришини кузатишимиз мумкин бўлади. Шунингдек, телекоммуникация компанияларини консолидациялашуви ва янги замонавий инновацион технологияларни пайдо бўлиши ҳамда тармоқ корхоналари томонидан тақдим этилаётган хизматлар рўйхатини кенгайтириши ва сифатини ошиб бориши

натижасида телекоммуникация хизматлари бозоридаги вазият мунтазам равишда ўзгариб бормоқда. Бунда хизматлар соҳасининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, тезкор бошқарув қарорларини бухгалтерия ҳисоби ва ахборотига нисбатан қўйиладиган талаблар ўзгариши табиий ҳол ҳисобланади. Шу муносабат билан республикамизда фаолият юритаётган алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари жадал ривожланиб, уларнинг умумий ҳажми 4,6 мартага ошган. Телекоммуникация тармоқлари, компютерлаштириш ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш миллий дастурларининг амалга оширилиши, симсиз телефон алоқаларнинг ўсишига, уяли алоқа абонентлари ва Интернет тармоғига жамоавий уланиш жойлари сонининг кўпайишига олиб келмоқда. Сўнгги йилларда хизматлар соҳаси субъектларини жадал ривожлантириш, модернизация қилиш ва мазкур субъектлар томонидан тақдим этилаётган хизматлар кўламини кенгайтиришга қаратилган узоқ муддатли дастурлар қабул қилинди [3].

Мазкур мақолада телекоммуникация хизматлари кўрсатувчи муассасаларда бошқарув ҳисобини ташкил этиш масалалари қатор хорижий ва маҳаллий олимлари томонидан ўрганилган.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Телекоммуникация хизматлари кўрсатувчи муассасаларда бошқарув ҳисобини ташкил этиш масалалари қатор хорижий ва маҳаллий олимлари томонидан ўрганилган.

Телекоммуникация хизматлари кўрсатувчи муассасаларда бошқарув ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари, моҳияти қатор олимларни илмий ишлари ва адабиётларда ўз аксини топган. Иқтисодчилар орасида хизматлар соҳасида бошқарув ҳисобини моҳияти, мақсади, вазифаси шунингдек, бошқа бошқарув кўйи тизимлари билан алоқаси ҳақида умумий тушунча мавжуд эмас.

Танланган тадқиқот мавзуси доирасида телекоммуникация хизматлари кўрсатувчи субъектларда хизматлар соҳасида бошқарув мақсадларида бухгалтерия ҳисоби усулларини тизимлаштириш, муаммолари замонавий иқтисодиётда бошқарув ҳисобининг моҳиятини ва мақсадини, унинг таркибида ички назорат ва бюджетлаштиришни чуқур таҳлил қилишни талаб этади. Соҳа мутахассисларини илмий ишларини ўрганиб, ушбу соҳанинг иқтисодий аҳамиятини корхоналарнинг инновацияларга интилиш нуқтаи назаридан кўриб чиқиш зарурлиги ҳақида ҳулоса чиқариш мумкин.

Иқтисодчи олим Б.Махсудов илмий тадқиқотида замонавий бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш методологиясини такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий ва амалий таклифлар келтирилган[11].

Иқтисодиётнинг телекоммуникация хизматлари кўрсатувчи муассасаларда хизматлар соҳасида бошқарув ҳисобининг назарий, услубий ҳамда амалий жиҳатларини тадқиқ этиш борасида бир қанча илмий изланишлар олиб борилган.

Бироқ мазкур иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқотлари асосан бошқарув ҳисобини ташкил қилиш масалалари иқтисодиёт тармоқларининг

соҳаларига бағишланган бўлиб, унда уларда мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилгандир.

Л.Лилеева телекоммуникация ва алоқа хизматлари соҳасида бошқарув ҳисобини принципларига эътибор қаратиб, қуйидагича таъкидлайди: телекоммуникация ва алоқа хизматлари соҳасидаги горизонтал бошқарув, ахборот оқимларини ва материалларни бўлиниши, қийматни шаклланишидаги занжирларни бўлиниши, ахборотни қайта ишлаш ва ундан самарали фойдаланиш каби хусусиятлар бошқарув ҳисобини янги илғор даромадлар бизнес-маркази, харажатлар бизнес-маркази, мулк бизнес-маркази, инновацион венчур марказлар бўйича, бизнес-марказлар бўйича ҳисоб юритиш, тўлов қобилияти мониторинги, сегментар прогнозлаштириш каби усуллари ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш лозим [5].

Н.Трапезникова ўзининг илмий тадқиқотларида электр алоқа корхоналарида хизматлар соҳасида бошқарув ҳисобини ташкил этишда ABC (Activity-Based Costing) тизимини қўллашнинг афзалликларини тадқиқ этган [7].

М. Гвоздев, Ю. Киселеваларнинг фикрларига кўра: Хизматлар соҳаси субъектларида бошқарув ҳисоби соҳасидаги инновацион йўналишлардан бири QRM тизимини кенг татбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бунда хизматлар кўрсатишда вақт омили муҳим аҳамият касб этади [6].

Хорижлик олимлар Antonella Cugini and Silvia Pilonato хизматлар соҳасида бошқарув ҳисобини В-to-В тамойили асосида ташкил этилишини тадқиқ этишган [8].

АҚШлик иқтисодчи олим Ashford C. Chea ўзининг илмий тадқиқотларида хизматлар соҳасида бошқарув ҳисобини ташкил этишда ABC тизимини қўллашнинг афзалликларини тадқиқ этган [9].

Бизнинг фикримизча, ҳозирги вақтга келиб телекоммуникация хизматлари кўрсатувчи корхоналарида бошқарув ҳисобини ташкил қилиш масалалари долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан телекоммуникация хизматлари кўрсатувчи корхоналарда бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва такомиллаштириш борасидаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари тўлиқ тадқиқ этилмаганлигини инобатга оладиган бўлсак, мазкур масала бугунги кунда долзарб ҳисобланади ва илмий изланишларни давом эттиришни талаб этади.

Таҳлил ва натижалар

Иқтисодиётимиз ва жамиятимиз ҳаётида ахборот-коммуникация технологияларининг алоҳида ва муҳим ўрин тутишини ҳисобга олиб, 2013 йилда 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури қабул қилинди. Ушбу дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар 2014 йилда мамлакатимизда барча автомат телефон станцияларини рақамли тизимга ўтказишни яқунлаш учун замин яратди. Бу эса халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш тезлигини сезиларли даражада ошириш имконини берди.

Мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони йил сайин

кўпайиб бормоқда. Бугунги кунда улар 10 миллион 200 минг кишидан ошди ёки мамлакатимиз аҳолисининг учдан бир қисмини ташкил этмоқда. Республикамизда интернетнинг ўтказувчанлик даражаси 4 баробар оширилди, интернетга уланиш тезлиги эса 1,5 марта ортди. Шу билан бирга, ундан фойдаланиш нархи 2013 йилга нисбатан 11,6 фоизга камайди.

Ўтган йили 500 дан ортиқ янги базавий мобиль алоқа станциялари ўрнатилиши ҳисобидан алоқанинг ушбу замонавий, юқори технологияларга асосланган тизими абонентлари сони қарийб 20 миллион кишини ташкил этди, уларга кўрсатилаётган хизматлар ҳажми қарийб 26 фоизга кўпайди.

Телекоммуникация соҳасида хизмат кўрсатувчи субъектлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралда қабул қилинган “2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида” ги 55-сон Қарори муҳим аҳамиятга эгадир. Қарорга кўра, аҳолининг телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш техник имкониятларини таъминлаш, улар асосида сифатли хизматлар кўрсатиш, телефон алоқаси ва телевидениенинг рақамли тизимларига тўлиқ ўтиш, 2020 йилга бориб алоқа ва ахборотлаштиришнинг республика иқтисодиётидаги улушини 2,5 фоизгача етказиш назарда тутилган [2].

Охирги йилларда аҳолига телекоммуникация хизмат кўрсатиш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сонли “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони долзарбдир [3]. Фармонда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг қуйидаги асосий вазифалари ва фаолиятининг устувор йўналишлари этиб белгилаб берилган:

- ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш ва кўллаш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда муносабатларни тартибга солиш, электрон ҳукуматни жорий этиш, ахборот жамияти ва рақамли иқтисодиётни шакллантириш фаолиятини мувофиқлаштириш;

- “охирги миля” тамойили бўйича Интернет тармоғидан кенг полосали фойдаланишни кенгайтириш, мультисервиси алоқа тармоқлари технологиялари, мобиль алоқа бозори, бошқа замонавий телекоммуникация хизматлари, шунингдек, логистика ва почта алоқаси хизматлари орқали телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш;

- давлат органларининг ахборот тизимлари ва ресурсларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, идоралараро ўзаро электрон ҳамкорликни ташкил қилиш, ягона электрон реестрлар ва маълумотлар базаларини, “ягона дарча” тамойили бўйича электрон давлат хизматлари кўрсатиш тизимларини шакллантиришга ягона технологик ёндашув амалга оширилишини таъминлаш;

- давлат бошқаруви ва иқтисодиётнинг реал секторида инновацияларни жорий қилишга кўмаклашиш, рақамли иқтисодиёт ўсишини рағбатлантириш, шу жумладан ишлаб чиқаришда комплекс автоматлаштирилган бошқарув тизимларини жорий этиш, электрон тижоратнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитларни яратиш;

- шаҳар ва ҳудудий инфратузилмани, шу жумладан келгусида интеграциялашган, «ақлли» ва «хавфсиз» шаҳар ягона комплексига бирлаштирган ҳолда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, транспорт логистикасини, шошилинч хизматларни бошқаришнинг замонавий интеллектуал тизимларини жорий этиш ва ривожлантириш;

- технопарклар ва коворкинг-марказлар фаолиятини ташкил қилиш, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида замонавий рақобатбардош ва экспорт учун мўлжалланган дастурий маҳсулотлар ҳамда хизматларнинг маҳаллий ишлаб чиқарилишини ривожлантиришни рағбатлантириш, шарт-шароитлар яратиш ва инвестицияларни жалб қилиш;

- етакчи хорижий компаниялар ва таълим муассасаларининг энг яхши амалиёти асосида ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида стратегик ва лойиҳа бошқаруви, менежмент, маркетинг бўйича илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишни ташкил қилиш;

- киберхавфсизликни таъминлаш ва тармоқлар, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ресурсларини жорий қилишни таъминлаш бўйича комплекс чораларни амалга ошириш, шахсий ва биометрик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш бўйича технологияларнинг қўлланишини тартибга солишда иштирок этиш;

- тақдим этилаётган телекоммуникация ва почта алоқаси хизматларининг юқори сифатини таъминлаш мақсадида ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида қонун ҳужжатларига риоя этилишининг давлат назоратини амалга ошириш;

- ахборот технологиялари ва коммуникацияларини қўллаш ва ривожлантириш масалалари бўйича, шу жумладан, техник стандартлар, регламентлар жорий этилишини ташкил қилиш, шунингдек, Вазирликнинг фаолият соҳасига қирадиган бошқа йўналишлар бўйича халқаро ташкилотлар, чет эл компаниялари, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

Юқорида таъкидлаб ўтилган долзарб масалаларни самарали амалга оширилишида соҳада бошқарув ҳисобининг халқаро илғор тажрибадан келиб чиқиб шаклланган замонавий усуллари амалиётга татбиқ этиш лозим.

Хулоса ва таклифлар

Телекоммуникация хизматлари соҳасида субъектларида бошқарув ҳисобини ташкил қилиш усуллари амалдаги ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали қуйидаги хулоса ва таклифларни келтириб ўтишимиз мумкин:

1. Телекоммуникация ва алоқа хизматлари соҳасидаги горизонтал бошқарув, ахборот оқимларини ва материалларни бўлиниши, қийматни

шаклланишидаги занжирларни бўлиниши, ахборотни қайта ишлаш ва ундан самарали фойдаланиш каби хусусиятлар бошқарув ҳисобини даромадлар бизнес-маркази, харажатлар бизнес-маркази, мулк бизнес-маркази, инновацион венчур марказлар бўйича, бизнес-марказлар бўйича ҳисоб юритиш, тўлов қобилияти мониторинги, сегментар прогнозлаштириш каби усуллари ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш лозим.

2. Телекоммуникация хизматлари соҳасида субъектларида ABC (Activity-Based Costing) тизимини қўллаш харажатларни фаолият турлари бўйича анчагина аниқ ҳисоблаб, ҳақиқатдаги ва режа таннархини ҳисоблаш имконини беради. Натижада телекоммуникация хизматлари корхоналарида харажатларни пасайиши, эгилувчан нархни шаклланиши, оптимал хизматлар тўпламини шакллантириш ва умуман олганда телекоммуникация хизматлари бозоридаги рақобатбардошлилигини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги “2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 55-сон Қарори. // www.lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сонли “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти маълумотлари. <https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/8109-68769-2>

4. Махсудов Б.Ю. Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореферати. – Т. ТМИ. 2018 й.

5. Лилеева Л.Р. Бухгалтерский учет в сфере связи и телекоммуникаций. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. Москва-2007

6. Гвоздев М.Ю., Киселева Ю.С. Внедрение элементов системы управленческого учета в автоматизированной среде на предприятиях сферы услуг. Вестник ЮУрГУ, 2017. Т.11. № 3. С. 187-191.

7. Трапезникова Н.Г. Учетно-аналитические обеспечение управление затратами в системе ABC (Activity-Based Costing) на предприятиях электросвязи. Автореф. дисс. на соис. ученой степени к.э.н. Москва-2008

8. Antonella Cugini and Silvia Pilonato The Cost Accounting System in B-to-B Service Companies: Cost Centers or Activity-Based Costing? GSTF Journal on Business Review (GBR) Vol.2 No.4, July 2013

Ashford C. Chea. Activity-Based Costing System in the Service Sector: A Strategic Approach for Enhancing Managerial Decision Making and Competitiveness. International Journal of Business and Management Vol. 6, No. 11; November 2011